



**МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ -  
ПЕДАГОГИК ХАМДА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

**Усманова Умида Айбековни**

Андижон давлат педагогика инстиуту

Эркин изланувчи (DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7467496>

**ARTICLE INFO**

Received: 10<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> December 2022

Online: 21<sup>th</sup> December 2022

**KEY WORDS**

Янгилик, илм-фан, илмий-педагогик фаолият, тадқиқот, илмий тадқиқотчилик, кашфиёт, ўз-ўзини англаш, илмий конференциялар, интеллектуал-ривожлантирувчи.

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада магистратура талабаларида илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш босқичлари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, олий таълим муассасаси ва ундан кейинги касбий ривожланиш жараёнида магистратура талабалари ўз фанидаги илмий ёндашувлар, концепциялар, назариялар, энг сўнги ахборотлар мазмунидан хабардор бўлиши кераклиги асосланган.*

Маълумки, таълимда режалаштирилган натижага эришишни кафолатлаш ўқув жараёнини технологиялаштириш орқали амалга оширилади. Айти вақтда ишлаб чиқариш истиқболли технологияларининг афзаллиги уларнинг илмий-техник даражаси юқоридалиги билан белгиланади. Шунга кўра, илм-фан ва таълим, ишлаб чиқариш жараёнлари орасида муайян интеграция вужудга келади. Таълим соҳасига технократик фикрлаш, стандартлаштириш, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил, комплекс ёндашув каби таълим жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқ бир қанча талаблар кўйилмоқда. Аммо ишлаб чиқариш жараёнларидан фаркли равишда таълимни технологиялаштириш, ўзига хос

ёндашувларни талаб қилади. Чунки таълим тизими мураккаб, кўп қиррали динамик жараёндир. Унинг бу хусусияти техникавий ва бошқа мураккаб тизимларга тааллуқли бўлган ишлаб чиқариш жараёнларидан анча юқори туради.

Таълим олувчининг фаолияти эса, муайян ишларни бажариш ёки ташкилий бошқарув ва касбий қарорларни ижро учун қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Бунда ўқитувчи ишининг шакл ва методлари чегараланмайди. Бироқ ДТС талаблари орқали ўқитувчининг таълим жараёнини ташхис қилиш ва умуман ўқитиш жараёнини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган фаолияти жадаллашади.

Педагогик фаолият амалиётдан маълумки, ўқув машғулотларини



ташкил этиш, айникса, унга ижодий ёндашишда таълимий, тарбиявий, ахборотли, ривожлантирувчи мақсадлар амалга оширилади. Ҳар бир ўқитувчи ўқув машғулотларини олиб боришда ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва шу асосда тегишли хулоса чиқаришга эришиши керак. Агар ўқитувчи ўз маъғулотларининг самарадорлигини баҳолай олмаса, у ҳолда йул қўйган камчиликларни сезмайди ва бу фаолиятда ижодий ёндашув ҳам бўлмайди.

Замонавий ўқитувчи учун янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш, улар фаолиятининг ижодийлик сари йўналтирилганлигини ифодалайди. Айни пайтда педагогик технологияларни қандай амалга ошириш лозимлиги туғрисида жуда кўп илмий-услубий ишланмалар эълон қилинмоқда.

Ўқитувчи дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаганидан кейин таълим самарадорлигини аниқлаши таълимни тўғри олиб бораётганлигини баҳолашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Магистратура талабаларининг мустақил ва ижодий фикрлашида билимнинг шаклланганлиги қуйидаги тартибда аниқланади:

**Билим беришда илмий гоани ўртага ташлай олиш.** Бундай таълим беришда муаммоли вазиятлар ва уларга мос фан-техниканинг замонавий ютуқлари уйғунлигида иш олиб бориш юқори самара беради ва улар таълим - тарбия жараёнини олиб боришнинг илмий-услубий асосларини таъминлашини таълим олувчилар онгига етказиш лозим.

Биринчи бобда таъкидланганидек, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш мактаб давридан бошланиб, бу даврда ўқувчиларга илмий тадқиқот ишларини ташкил этишга оид жараённинг дастлабки элементлари берилади. Аммо, шуни эътироф этиш лозимки, бугунги кунда узлуксиз таълим жараёнида талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш, уни амалга татбиқ этиш механизмлари илмий-методик асосда ишлаб чиқилмаган. Шундан келиб чиқиб қуйидаги саволлар қай даражада ечимга эга эканлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ҳар бир вилоят кесимида илмий-ижодий фаолият системаси қандай шакллантирилган?

2. Қандай илмий-педагогик муаммоларнинг ечимлари амалиётга жорий этилмоқда?

4. Педагогик тадқиқотлар самарадорлиги қай даражада таҳлил этилмоқда?

Маълумки, илмий тадқиқот ишлари узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу асосда таълим-тарбия мазмуни ва самарадорлиги такомиллашиб боради. Хусусан, замонавий ва илғор педагогик технологиялар илмий тадқиқот натижалари асосида ташкил топди. Республикаимизнинг етакчи олимлари Ж.Йулдошев, Х.Ибрагимов, В.Каримова, Ў.Толипов, Ш.Курбонов, Э.Сейтхалилов, Э.Ғозиев ва бошқаларнинг мазкур соҳадаги ишлари ҳамда биз томонимиздан [2] олиб борилаётган тадқиқотчилик кузатувларига мувофиқ



педагогик тадқиқотнинг майдонга чиқиши учун:

-тегишли шарт шароит (ижтимоий, иктисодий, моддий-техник) ва ижодий муҳит (изланувчанлик ва ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш) яратиш;

- янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материаллар сериясини ишлаб чиқиш ва уларни кенг кўламда амалиётга жорий этиш;

- илмий-амалий изланиш ва ташаббус асосида тўпланган янгилик ҳамда тажрибаларни узлуксиз ҳаракатдаги жараёнга айлантириш:

- илмий тадқиқот ишини ташкил этиш маданиятини шакллантириш асосида педагогик ижодкорликка йўналтирилган педагогик маҳорат мактабини яратишдек бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоғи лозим. Бунинг учун, энг аввало, юқорида таъкидланганидек, тегишли шарт-шароит в ижодий муҳит яратилиши талаб этилади.

Тадқиқотчилик кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, шароит яратилмас экан, талабаларнинг илмий фаолият жараёни самарали амалга ошмайди. Яратилган тизим архив материали кўринишида қолиб кетади.

Маълумки, жамият тараққиёти илмий ижодкорликка, яъни ижодкор инсонларнинг касбий фаолиятига асосланади. Вақт ўтиши билан ҳар қандай техника, технология, илмий далиллар, ғоялар кашфиётлар экириб бораверади.

Республикамиз олий таълим тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан талаба-ёшларни

илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга боғлиқдир. Бу талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини муайян тизим асосида ташкил этиш талабини қўяди.

Илмий тадқиқот ишлари инсон ақлий фаолиятининг маълум мақсад йўналтирилгач ижодий ҳаракатлари мажмуидан иборат. Бу фаолиятдан кўзланган мақсад, ҳодиса ёки жараён тўғрисида янги илмий билимларни ўрганиш ва кашф этиш, уни такомиллаштириш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

“XXI аср- интеллектуал тараққиёт асри” кишилиқ жамияти ривожланишига мос, унда яшовчи илғор ижодкор инсонлар ақлий-ижодий фаолияти натижаси туфайли юзага келади.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир фуқароси фан ва техника ютуқларининг тобора ривожланиб бориши таъсири остида яшамоқда. Бу яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, техника на технологиялар кун сайин такомиллашиб бормоқда ванажиҳада шунга мос етук мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳам туғилмоқда.

Илмий тадқиқот ишларининг илмий-назарий ечимларидан бошлаб олинган натижаларни амалиётда қўллашгача бўлган барча босқичлар “Талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш модели” (23.1-1-расм) асосида самарали амалга оширилишига эришилса, тадқиқот иши муваффақиятли бажарилган бўлади.

Демак, ушбу жамиятга муносиб ва уни фаол ривожлантиришда иштирок этувчи шахс, мутахассис сифатида илмий изланиш олиб бориши, олинган ахборотларни тизимларга ажратиши,



муаммога хос фикр ва техникавий ечимларнинг мақбул вариантларини танлаш усулларини билиши зарур. Ақлий фаолият бевосита илмий-ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир. Ўз навбатида, тадқиқот ва иждодий мулоҳазалар ҳам замонавий мутахассисдан илм-фан ютуқларидан фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларнинг оптимал ечимини танлай билиш ва амалий фаолиятида тажриба-синов ишларини ўтказишни талаб қилади. Маълумки, жамият тараққиётида илм-фаннинг ривожини ва уни

такмиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар ҳар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараққиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланган.

Демак, таълим тизими ҳозирги ҳолати ва унга қўйилган талаблар олий таълим жараёнини оптимал бошқариш долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади. Олий таълимда ўқув-тарбия жараёни ўзига хос педагогик илмий тадқиқот фаолиятидан иборатдир. Маълумки, олий таълим ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришда энг муҳим бўғин ҳисобланади.

### References:

1. Грязнов В.М. Методология научного творчества. М., изд. РУДН, 2000.
2. Зиёмухамедов Б. Илм ҳикмати. Т., 1999.
3. Кохановский В.П. Философия и методология науки. М., 1999
4. Методология и методы экономических исследований. Для магистратуры экономических специальностей. Филиал РЭА им. Г.В.Плеханова в г. Ташкенте. Т., 2002. 40 с
5. Саифназаров И.С. ва бошқ. Илмий иждод методологияси. Т., «Янги аср авлоди», 2004.